

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ҮРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАФАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ҮРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:
Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

М.Исмоилов, З.Кўпайсинова

Параболо-гиперболик типдаги модел тенглама учун нолокал масалалар 6

БИОЛОГИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ж.Абдурахмонов, Х.Муйдинов, М.Рахимов

Индивидларнинг умр қўриш давомийлиги ҳақида 11

В.Исаков, У.Мирзаев, М.Юсупова

Фаргона водийси қумли даҳалар тупроқлари 14

А.Махсумов, Б.Исмаилов

1-фенил азонафтот-2 пропаргил эфири ва унинг ҳосилаларининг олиниши 20

КИМЁ

Х.Юлдашев, Ю.Мансуров

Оксид катализаторларда ис газининг оксидланиши 24

С.Хушвақтов, Ю.Файзуллаев, М.Жўраев, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев

Пластикат поливинилхлорид асосидаги янги поликомплексоннинг ғоваклик даражаси ва сорбцион хоссалари 29

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

И.Носиров

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида табиий бойликлардан фойдаланишда экологик менежментнинг назарий ва методологик асослари 33

С.Хусанбоев

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг айрим масалалари 40

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Ў.Аҳмедова

Таълимнинг ижтимоийлашуvida маънавий тарбия масаласи 44

ТАРИХ

О.Маҳмудов

Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар 47

С.Юлдашев

Фаргона сомоний волийлар бошқаруви даврида 53

А.Атаходжаев

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги этнослараро маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири 61

И.Гуломов

1939 йилда Ўзбекистон ССРда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига доир 67

А.Алоҳунов

Бронза ва илк темир даври чорвадорлари ишлаб чиқариш хўжалигига доир айрим мулоҳазалар 73

В.Абиров

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг антропологик тадқиқотларда акс этиши 77

Ш.Холикулов

Россия империяси суд-хуқуқ органлари тизимида нотариал идоралар фаолияти 84

Ш.Усанов

Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш сиёсатининг замонавий хусусиятлари 89

ТАРИХ

УДК: 101.1:316

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СИЁСАТИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ
СОВРЕМЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПОЛИТИКИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОГО
СОГЛАСИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ
CONTEMPORARY STATE OF INTERNATIONAL AGREEMENT POLICY IN NEW UZBEKISTAN**

Усанов Шуҳрат Мусурмонович¹

¹Усанов Шуҳрат Мусурмонович

- Тошкент Тиббиёт академияси Термиз филиали,
ижтимоий-гуманитар кафедраси асистенти

Аннотация

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга оширилаётган испоҳотлар, миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-хукуқий асослари, шунингдек, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда миллий-маданий марказларнинг ўрни ва аҳамияти сўз этилади. Мақолада бу ташкилий ишларнинг барчаси миллатлараро муносабатларнинг янада ривожланишига хизмат қилиши асослаб берилган.

Аннотация

В статье рассматриваются реформы в сфере межнациональных отношений в Республике Узбекистан в годы независимости, организационно-правовые основы межнациональных отношений, а также роль и значение национально-культурных центров в укреплении межнационального согласия. В статье утверждается, что эта организационная работа способствует дальнейшему развитию межнациональных отношений.

Annotation

The article examines the reforms in the field of interethnic relations in the Republic of Uzbekistan over the years of independence, the organizational and legal foundations of interethnic relations, as well as the role and importance of national and cultural centers in strengthening interethnic relations. The article argues that all this organizational work will contribute to the further development of interethnic relations.

Таянч сўз ва иборалар: миллат, миллатлараро тотувлик, миллий сиёсат, ҳалқлар дўстлиги, хукуқий асос, миллий-маданий марказ, концепция, мурожаатнома, форум.

Ключевые слова и выражения: национальность, межнациональное согласие, национальная политика, дружба народов, правовые основы, национально-культурный центр, концепция, обращение, форум.

Key words and expressions: nationality, interethnic harmony, national policy, friendship of peoples, legal foundations, national cultural center, conception, appeal, forum.

Ўзбекистонда кечётган демократик жараёнлар, испоҳотлар истиқболи кўп жиҳатдан, миллатлараро муносабатларнинг ҳолатига, бу соҳада пайдо бўладиган турли таҳдидларга қарши курашни кучайтириш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглигни таъминлаш, ёшларни миллий ғоя, демократик қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашга кўп жиҳатдан боғлиқ. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши сифатида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглигни таъминлаш, яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни юритиш белгиланганлиги бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга замин яратмоқда. “Миллатлараро

тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, – турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни ривожлантириш, қайси дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг хукуқлилигини таъминлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолади”[1:4]. Шу нутқати назардан, жамият демократлашувида миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш муаммосини тадқиқ қилиш, унинг замонавиий йўналишлари ва омилларини ўрганиш долзарб вазифа ҳисобланади.

80-йиллар охири – 90-йиллар бошларига келиб, советлар давридаги миллий муаммоларни ҳал қилиш йўллари ўзини оқламаганлиги яқол кўриниб қолди. Иттифоқнинг парчаланиши арафасида юзага келган миллатлараро низо ва адоватларга

миллий сиёсатда йиллар давомида тўплланган нуқсон ва камчиликларнинг оқибати, деб қарашимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг миллатлараро муносабатлар ривожида бутунлай янги ижтимоий-иктисодий вазият юзага келди. Кўп миллатли республикада бозор муносабатларига ўтиш шароитида барқарорликни таъминлаш учун кам сонли миллат ва элатларнинг хукуқ ва эркинликларини камситмайдиган, пухта ўйланган миллий сиёсатни амалга ошириш зарур эди [2]. Мустақилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилган миллий сиёсат натижасида республикада яшовчи барча миллат вакилларининг конституциявий хукуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг тенг хукуқлигини таъминлаш, маданиятини, урф-одатларини сақлаб қолиш, ўз она тилида гапиришига ва таълим олишига барча имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан мана шундай миллатлараро муносабатлар кескинлашган таҳликали бир даврда миллатлараро муносабатлар давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга, ёш авлодни миллатлараро бағрикенглик, байналмилалчилик руҳида тарбиялашга катта эътибор берилди.

Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларнинг хукукий асослари яратилиб, бу, юртимиздаги тинч-осуда ҳаёт, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг гарови бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасида уюшқоқлик ва меҳроқибат муносабатларини сақлаш, ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандлариdek аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона мөхнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган хукукий

демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда [3].

Бугунги кунда миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатининг амалга оширилиши натижасида юртимизда ҳар бир миллат вакилининг ўз она тилида таълим олиши, ўз имкониятларини юзага чиқариши учун барча шароитлар яратилган ва шу заминда истиқомат қилаётган ҳар бир миллат вакили ушбу ягона ватаннинг гуллаб ривожланишига ҳисса қўшишга ва муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев бошчилигига миллатлараро муносабатлар соҳасида қўлга киритилган ютуқлар янада мустаҳкамланиб, кенг кўламли испоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта асосий йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши сифатида «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат соҳасидаги асосий йўналишлар» белгиланди [4]. Бунда миллатлараро тотувликни таъминлаш энг аҳамиятли вазифа сифатида белгиланган ва бу вазифаларнинг ижроси бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

2017 йил 24 январда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишлиланган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев миллатлараро муносабатлар соҳасидаги вазифалар ҳақида гапириб ўтади. Шунинг ичida «Фанлар Академияси институтлари билан ҳамкорлиқда мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишлиланган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш Республика байналмилал маданият марказининг яна бир долзарб вазифаси, деб ҳисоблайман», [5] деб кўрсатади.

2017 йил 19 майда «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг қабул қилиниши

ТАРИХ

жамиятда тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Фармон бўйича Республика байналмилал маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил қилинди [6]. Фармон мамлакатда миллатлараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича ягона тизимни ривожлантириш, миллий-маданий марказлар учун яна да қулай ва кенг имкониятлар яратиш, марказларнинг иш фаолиятини янги босқичга кўтаришга хизмат қиласди.

2019 йил 15 ноябрда «Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг қабул қилиниши миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтарди. Фармонда миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси, шунингдек 2019 – 2021 йилларда миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл ҳаритаси» тасдиқланди [7]. Бу Фармоннинг қабул қилиниши ушбу соҳадаги амалга оширилаётган ишларни тизимлаштиришга, жойларда миллатлараро муносабатларнинг ҳолатини мониторинг қилиш механизmlарини ишлаб чиқиша катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

2020 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаати ўзининг долзарблиги ва стратегик аҳамияти билан сиёсатчи эксперталар, кенг жамоатчилик орасида катта қизиқиш ўйғотди.

Парламентга Мурожаатномада Президентимиз томонидан кўтарилган масалалар орасида худудимиизда яшаб келаётган кўпмиллатли ҳалқимизнинг азалий дўстона муносабатларини янада

мустаҳкамлашга қаратилган ташабbusлари шу соҳада давлатимиз раҳбари олиб бораётган оқилона сиёсатининг намунаси эканлигини яна бир карра исботлайди.

2019 йилги Мурожаатномада Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан 30 июль – Халқаро дўстлик куни муносабати билан “Дўстлик” ҳафталигини ташкил этиш ҳамда ушбу ҳафталик доирасида “Дўстлик” халқаро форум-фестивалини ўтказиш ҳақида киритган таклифи илгари сурилди. Бу йил эса, ушбу санани Ўзбекистонда “Халқлар дўстлиги куни” деб белгилаш таклифи, илгари сурилган ташабbusларнинг мантикий давоми бўлди [8].

2021 йил 5 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида “Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек вазмин, ўзаро фойдали ташки сиёсатни амалга ошириш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланди.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳалқимизга хос бағрикенглик ва азалий дўстлик ғоялари ифода топган.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 майдаги Фармони асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида “Дўстлик уйлари” ташкил этилди. Халқлар дўстлиги ва умумхалқ бирдамлик кунини байрам сифатида белгилашдан асосий мақсад инсонлар, ҳалқлар, давлатлар, умуман олганда, жамиятнинг турли қатламлари ҳамда тузилмалари ўртасида ҳамжихатлик, бағрикенглик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришдан иборат [9].

2021 йилнинг 5 февраль куни Тараққиёт стратегияси маркази ташабbusи билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси,

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Адлия вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикаси Президенти Мурожаатномаси: Ҳаракатлар стратегиясининг тўрт йиллик самарадорлиги ва 2021 йилга мўлжалланган устувор вазифалар» мавзусида ҳалқаро форум бўлиб ўтди.

Анжуманда Президент Мурожаатномасининг устувор жиҳатларига алоҳида тўхталиб, Ўзбекистон бугунги жаҳон ҳамжамияти учун синовли бўлган пандемия даврида ҳам жадал тараққий этаётгани, иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатларига эришаётгани, энг асосийси, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида бир қатор ҳаётий ташабbusларнинг амалга оширилиши натижасида фуқароларнинг турмуш фаровонлиги юксалаётган мамлакат сифатида ҳалқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани қайд этилди.

2017–2020 йилларда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамкорлигида, миллий маданий марказлар иштирокида республика миёсида 7 912 та тадбир ўтказилди. Шулардан 351 таси илмий-амалий конференция ва семинар, 1 710 таси давра сухбати, 1 108 таси кўргазма, 2 735 таси мусиқий-бадиий кечава концертлар, 1 982 таси учрашув, 14 та форум, 12 та ҳалқаро конференциялар ўтказилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Миллатлараро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича Қўмита ходимлари томонидан 23 та концептуал хужжат лойиҳаси тайёрланган ва хусусан, 2020 йилда 1 та Қонун, 4 та Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш соҳасида 2021 йилга мўлжалланган асосий вазифалар ҳақида ахборот берилди.

Форумда иштирок этган ҳалқаро ташкилотлар вакиллари – Бирлашган миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги

доимий координатори Хелена Фрейзер, Элчи, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Жон МакГрегор, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Марко Мантованелли ва бошқалар ўз чиқишиларида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Парламент ҳамда ҳалқа йўллаган Мурожаатномасида илгари сурилган таклиф ва ташабbusлар замонавий ҳалқаро тамойиллар билан ҳамоҳанг эканига эътибор қартишиди [10].

Қабул қилинган қарор ва фармонлар асосида Ўзбекистон Республикасида миллатлараро муносабатларни ривожлантирувчи миллий-маданий марказлар ҳар бир ҳудудда ташкил қилинган. Марказларнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида миллатлараро дўстлик алоқаларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда 147 та миллий маданий марказ фаолият юритиб [11], республика Байналмилал маданият маркази уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, амалий ва услубий ёрдам берib келмоқда.

Мустақиллик йилларида миллий маданий марказларнинг 120 дан ортиқ фаол аъзоси давлат мукофотларига сазовор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди, шунинг ичida 14 аъзосига «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони берилди [12]. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикасида миллатлараро муносабатларга юқори даражада эътибор берилаётганлигининг яқол намунаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудлари каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам миллатлараро муносабатлар соҳасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Республикада миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиб, бу Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида, Қорақалпоғистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги қонунида, соҳага оид Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрдаги “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-

ТАРИХ

5876-сонли Фармони ва 2019-2021 йилларда Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 7-банди ижросини таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикасида Этномаданий инфратузилмани ривожлантириш бўйича ҳаракатлар режасида ўз ифодасини топган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши хузурида миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгаши таркиби тасдиқланди, ишчи груп томонидан жамиятда юзага келиши мумкин бўлган миллатлараро зиддиятлар ва низоларининг олдини олишни ташкил этишга ҳамда мониторинг қилишга қаратилган амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибияти” бўлими республикада соҳага оид ишларни муфовиқлаштириб келмоқда. Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистонда қозоқ, туркман, рус, корейс, украин миллий маданий марказлари, Қўнғирот тумани Қозоқ миллий маданий марказ бўлими фаолият юритмоқда. Бу миллий маданий марказлар бошчилигига Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудларида турли фестиваллар, кўриктанловлар, ҳар бир ҳалқнинг миллий хусусиятларини ифодаловчи байрамлар,

семинарлар, конференциялар ва учрашувлар ўтказиш анъанага айланган.

Қорақалпоғистон Республикасида миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг амалий натижаси республикамиз бўйлаб ўтказилаётган тадбирларда, учрашувларда, умумхалқ Наврӯз байрамида, шунингдек, ҳар бир миллатнинг миллий байрамларида ўз ифодасини топмоқда. «Ўзбекистон – умумий уйимиз» фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ҳар йили барча туманларда ўтказиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги глобаллашган дунёда миллатлараро муносабатлар мустақилликнинг дастлабки кунларидан давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва ҳуқуқий асослар яратилди.

Миллатлараро тотувлик жамиятимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг аҳамиятли фактори бўлиб, мамлакатимизда миллатидан қатъи назар барча фуқароларнинг манфаатлари қонуний асосда кафилланган.

Ўзбекистон Республикасида 30 июль – Ҳалқлар дўстлиги куни деб белгиланиши соҳада амалга оширилаётган испоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Бу кунни байрам сифатида белгилашдан асосий мақсад жамиятимизда яшаётган турли миллатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришдан иборат.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Демократик испоҳотларни изчил давом эттириш, ҳалқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир. “Ҳалқ сўзи”, 2 ноябрь 2016.
2. Исоқов Б. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик. // Ўзбекистон Республикаси ФА Қорақалпоғистон бўлим мининг «Ҳабаршысы». – Нукус.2004. № 5-6.
3. “Ҳалқ сўзи” газетаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Республика байнамилал маданият маркази ташкил этилганинг 25 йиллигига бағишлиланган учрашувдаги нутқи. 2017 йил 25-январь, №18 (6712)
4. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Тошкент. 2017. 210-б
5. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент. 2017.
6. «Ҳалқ сўзи» газетаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. 2017 йил 23 май, №101 (6795)
7. «Ҳалқ сўзи» газетаси. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019-йил 19-ноябр №239 (7469)
8. <https://interkomitet.uz/>
9. <https://interkomitet.uz/>

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)